

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
биносини қўриқлаш бўйича**

_____ - сонли **ШАРТНОМА**

Тошкент ш.

2022 йил « ____ » _____

Биз, бир тарафдан қўриқлаш хизматини кўрсатувчи ташкилот низом асосида фаолият юритувчи директор _____, кейинги ўринларда “Хизмат кўрсатувчи” деб аталади, иккинчи тарафдан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Маъмурий - хўжалиги хизмати” давлат муассасаси низоми асосида фаолият юритувчи директори С.С.Махмудов, кейинги ўринларда “БУЮРТМАЧИ” деб аталади, қуйидагилар ҳақида шартнома туздик:

1-боб. Шартнома предмети

1. “ _____ ” 2022 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги биноси(объект-кейинги ўринларда объект дейилади)ни 2 та пост қисмдан иборат қўриқлаш хизматини амалга оширади. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Маъмурий - хўжалиги хизмати” давлат муассасаси “ _____ ” томонидан кўрсатилган хизматлар учун хар ойнинг охирида хисоб-фактурага асосан тўлиқ хисоб-китоб ишларини амалга оширади.

2. Хисоб-китоб ишларини амалга ошириш 15 банк иш кунидан кечиктирилмасдан амалга оширилади.

3. Шартнома умумий суммаси хар ой учун (_____) сўмдан 10 ой давомида (_____) сўмни ташкил қилади.

2-боб. Тарафларнинг мажбуриятлари

4. “ _____ ”нинг мажбуриятлари қуйидагилар:

Объектни ушбу шартномадан келиб чиқиб, “БУЮРТМАЧИ”дан қабул қилиб олиш;

объектни қўриқлаш учун қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги биносини комиссиянинг далолатномасида белгиланган вазифалар кўламида ишончли қўриқлаш ва мудофаа қилиш;

НЎПда ўтказиш режимини амалга ошириш;

қўриқланадиган объектнинг бутлигини таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари, ўта муҳим ва тоифалаштирилган объектларнинг қўриқланишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома талаблари билан белгиланган бошқа тадбир ва ҳаракатларни ўтказиш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олиш.

“БУЮРТМАЧИ” томонидан тақдим этилган хизмат ва маиший хоналарни, ускуналар, инвентарлар, техник муҳандислик қўриқлаш воситаларини (ТМҚВ) ва бошқа мулкларнинг бутлигини таъминлаш, ушбу мулкларни амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ эксплуатация қилиш учун жавобгар бўлиш.

Объектнинг моддий бойликлари ўғирланиши, йўқотилиши ва шикастланиши ҳолатларида “ _____ ”нинг айбдор шахсларини қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ёки жиноий жавобгарликка тортиш.

Техник муҳандислик қўриқлаш воситаларини (ТМҚВ), қоровулхоналар ва НЎП, сув қувурлари ҳамда канализация тармоқлари, ёриткичлар, алоқа воситалари, инвентар ва мебелларни таъмирлаш учун талабномаларни расмийлаштириш ва ўз

вақтида “БУЮРТМАЧИ”га бериш.

5. “БУЮРТМАЧИ” қуйидагиларга мажбур:

Объектни қўриқлашга топшириш вақтида хизмат, маиший ва бошқа хоналарни “Ўта муҳим ва тоифалаштирилган объектларни қўриқлашни ташкил қилиш бўйича йўриқнома”га мувофиқ “_____”га тақдим этиш;

оргтехника, алоқа воситалари, махсус формали кийим-кечакларни идоравий комиссия далолатномаси билан белгиланган штатдаги қоровулларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда сотиб олиш ёки сотиб олишга пул маблағларини ажратиш;

объектларнинг ишончли қўриқланишини замонавий ТМҚВни жорий этиш ҳисобига кучайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

“_____”нинг хизмат, маиший ва бошқа хоналарини жорий ва капитал таъмирлаш, шунингдек коммунал хизматларга ҳақ тўлаш;

қоровуллар, НЎП, рухсатнома бериш бюроларини мебель, ёнғинга қарши ва бошқа инвентарлар, хизматга оид ҳужжатлар бланклари (шу жумладан рухсатнома бланклари), керакли муҳрлар, штамплар ва шифрлар билан таъминлашга боғлиқ бўлган сарф-харажатларни тўлаш;

ўзаро ишловчи органлар (ДХХ, ИИБ ва бошқа) билан боғланиш учун тўғридан-тўғри алоқа каналларини, шунингдек кечаю-кундуз давомида ишлайдиган алоҳида телефон алоқаси билан таъминлаш.

4-боб. Тарафларнинг мажбуриятлари

6. “_____” қуйидаги келтирилган зарар учун моддий жавобгардир:

а) қўриқламаслик ёхуд “_____” томонидан қўриқланадиган объектдаги товар-моддий бойликларни ташиб чиқиш (олиб чиқиш) тартибини бажармаслик, шунингдек талончилик ёки босқинчилик йули билан содир этилган ўғирлик натижасида қўриқланадиган объектдаги хоналарни, занжир, қулф, ойналарни ва тўсиқларни бузиб кириш орқали, бошқа усулларда товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши билан келтирилган зарар;

б) “_____” томонидан шартномада қабул қилинган мажбуриятларнинг қисман бажарилиши натижасида қўриқланадиган объектга бегона шахсларнинг кириб олиб мол-мулкни йуқ қилиши ёки бузиши (жумладан ўт қўйиши) орқали келтирилган зарар;

в) объектни қўриқловчи ходимларнинг айби билан юзага келган ёнғин ёки бошқа сабаблар натижасида келтирилган зарар.

7. “_____”қўриқланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги ёки мулкни бузиш йули билан зарар етказиш далиллари тўғрисида Ички ишлар органининг навбатчилик қисмига ва “БУЮРТМАЧИ”га зудлик билан хабар беришга мажбурдир. Ички ишлар органи ва тергов ходимларининг келгунларига қадар “_____”ҳодиса жойининг дахлсизлигини таъминлаши шарт.

8. “БУЮРТМАЧИ”нинг етказилган зарар тўғрисидаги аризаси мавжуд бўлса, “_____”нинг масъул вакиллари ушбу зарар миқдорини белгилашда ёки товар-моддий бойликларнинг қолдиғини ҳисобдан чиқаришга иштирок этишга мажбур, улар бухгалтериянинг ҳодиса юз берган кунгача бўлган ҳисоботи билан қиёсланади.

9. Товар-моддий бойликлар қолдиқларининг ҳисобдан чиқарилиши тарафлар вакилларининг воқеа жойига етиб келиши биланоқ амалга оширилади. Бунда, “БУЮРТМАЧИ”нинг истаган ходими ёки “_____”нинг исталган масъул ходими тарафлар вакили бўлиши мумкин ва улар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар тарафлар учун ҳуқуқ ва мажбурият келтириб

чиқаради.

10. “_____”нинг айби билан “БУЮРТМАЧИ”га етказилган ҳар қандай зарар “БУЮРТМАЧИ”нинг биринчи оғзаки ёки ёзма талаби билан “_____” томонидан тўланади ва етказилган зарар миқдори ушбу шартномага мувофиқ “БУЮРТМАЧИ” хулосаси асосида тарафлар ўртасида расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ аниқланади.

11. Далолатнома қоидалари хулосага мувофиқ бўлиши лозим. Далолатномани расмийлаштиришдан бош тортиш ёки унга имзо чекмаслик ёхуд келишмаслик етказилган зарарни тан олиш деб эътироф этилади ва етказилган зарар “_____” томонидан 10 кунлик муддатда тўланиши лозим.

12. “_____” ўзининг айбсизлигини исботлаган ҳолатларда ва форс-мажор ҳолатларда жавобгарликдан озод этилади.

13. Тарафлар ўзларига тақдим этилган талабномаларни 10 кун муддат ичида кўриб чиқишлари шарт.

14. Талабномани кўриб чиқмаслик ёки кўриб чиқишни асоссиз равишда чўзиш бўйича келиб чиқадиган мажбуриятлар айбдор тараф (кўриб чиқмаган ёки кўриб чиқишни асоссиз чўзган тараф)нинг зиммасида бўлади.

15. Тарафлар томонидан ушбу шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда келиб чиқадиган зарар ва жавобгарлик “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳал қилинади, бундан ушбу шартноманинг 17-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

16. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунда назарда тутилмаган бўлса, бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд шартнома қоидаларига риоя қилинмаслик ёки амал қилмаслик юзасидан тарафлар жавоб бўладилар.

Бунда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган мажбурият ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд шартнома қоидаларига амал қилинмаган ҳар бир ҳолат учун шартнома ҳақининг 2 % миқдорида жарима тўлайди.

5-боб. Низоларни ҳал этиш тартиби

17. Ушбу шартномани бажаришда келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликлар ва низоли масалалар имкони борича тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

18. Низоларнинг ҳал қилинишига музокаралар йўли билан эришилмаса, тарафлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган келишмовчиликларни судгача ҳал этиш чораларини кўрганларидан сўнг, низо туманлараро Тошкент шаҳар Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

6-боб. Шартномани амал қилиш муддати, ўзгартиш қиритиш ва бекор қилиш тартиби

19. Ушбу шартнома тарафлар имзолагандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

20. Ушбу шартнома қай тариха тузилган бўлса, худди шу тартибда ўзгартирилади, қўшимча қиритилади ва бекор қилинади.

21. Тарафлардан бири ўз ташаббусига асосан шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

22. Шартнома бекор қилиниши натижасида келиб чиқадиган зарар тарафлар зиммасида бўлади ва шартнома бекор қилинишигача зарар бартараф қилинмаган

бўлса, шартноманинг амал қилиши тугашидан кейин узоғи билан 3 кун муддат ичида зарар бартараф қилиниши лозим.

23. Ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар тарафлар томонидан тўлиқ бажарилиши лозим.

24. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган, уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

7. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

«БУЮРТМАЧИ»

«Хизмат кўрсатувчи»

Директор _____ С. Махмудов

Директор _____ (_____)